Касб-хунар коллежи тегишли давлат стандартлари доирасида ўрта махсус касб-хунар таълими беради,ўқувчиларнинг касб хунарга мойиллиги,билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш , танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини беради.Хар бир таълим йўналиши бўйича ўқув хажми меъёрий хужжатлар асосида ташкил этилади.

1 расм.



Меъёрий ҳужжатлар мажмуаси.(1.расм)

ЎМКХТ ни тармоқ стандарти “Автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ” мутахассислиги бўйича кичик мутахассисларни тайёрлашнинг зарур ва етарли мазмуни ва пировард мақсадларини аниқлайди, таълим олувчиларининг ўқув юктамаларни хажми ва стандарт талаблари назоратларини белгилаб беради.

ЎМКХТ стандарт талаблари таълим олувчиларининг касбий тайёргарлиги сифати ва даражасини баҳолашда асосий мезон ҳисобланади.

ЎМКХТ стандартга ҳар бир фан бўйича касбий таълим мазмунининг зарур етарли хажми белгиланади.

«Мехнат муҳофаза си» фани мазмунининг зарур ва етарли хажми қуйидагича белгиланади.

---- Узбекистон Республикасининг меҳнат муҳофаза си ҳақидаги асосий қонунлари ва меъёрий ҳужжатлар (иккинчи ўзлаштириш даражаси)

---- АТКларда ҳавфли ва зарали моддалар билан ишлаш ва улардан сақланиш. (иккинчи ўзлаштириш даражаси)

---- АТКлардаги шкастланиш ва касб касалликларини Урганиш ва уларни олдини олиш. (учинчи ўзлаштириш даражаси)

---- Иш хоналари ва майдонлардаги санитария ва гигиена талаблари. (иккинчи ўзлаштириш даражаси)

---- Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашдаги ҳавфсизлик техникаси талаблари. (иккинчи ўзлаштириш даражаси)

---- Ёнгин ҳавфсизлиги (иккинчи ўзлаштириш даражаси)

---- Электр ҳавфсизлиги (иккинчи ўзлаштириш даражаси)

---- Атроф муҳитни муҳофаза қилиш тугрисидаги қонунлар бўйича чора-тадбирлар (иккинчи ўзлаштириш даражаси)

ЎМКХТ ни тармоқ стандартида ўзлаштириш даражаси қуйидагича изоҳланган:

1-даража – аввал ўрганилган объектлар, хусусиятлар жараёнларни таниш ёрдамга таянган ҳолда амалларни бажариш.

2-даража – намунавий амалларни мустақил равишда ёддан бажариш.

3-даража – аввалдан ўрганилган намунавий амаллар асосида бажарилиши лозим бўлган янги фаолият алгоритминини ярата олиши, махсулий фаолият кўрсатиш.

«Мехнат муҳофаза си» фаннинг ўқув дастури бўйича ўқувчилар қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим.

Кўникма: Фанни ўрганиш натижасида ўқувчилар қуйидаги кўникмаларга эга бўлишлари керак:

- Алоҳида касблар, ҳамда иш турларига меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномалар тузиш;
- Иш бажарувчилар билан меҳнат муҳофазаси бўйича йўл-йўриқ ўтказишни ва ўтказилган йўл-йўриқларни расмийлаштириш;
- Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текширишни амалга ошириш;
- Меҳнат муҳофаза сини Холатини маъмурий-жамоат назоратининг таълуқли погонасини ташкил қилишни ва ўтказишни;

- Хона иқлимини, шовқин, титраш, ёритилганлик, газланганлик ва чангланганлик кўрсаткичларини ўлчашни;
- Машиналар, механизмлар, мосламалар ва асбоб-ускуналарнинг хавфсизлик Холатини текшириш;
- Хавфли юклар билан муомала қилиш;
- Кўнгилли ёнгин ўчирувчилар гуруҳига раҳбарлик қилиш;
- Бирламчи ўт ўчириш воситаларидан фойдаланиш;
- Автомобиллар ишлаб чиқарган газлардаги зарарли моддалар миқдорини ўлчаш;
- Автомобиль двигвтеллардан чиққан газларнинг захарлилиги ва тутунлилигини созлаш.

Билим: Фанни ўрганиш натижасида ўқувчилар қуйидаги билимларга эга бўлишлари керак:

- мехнат муҳофазаси соҳасидаги асосий қоидаларни;
- автомобил транспортда мехнат муҳофазасини бошқариш асосларини;
- техникани ишлаб чиқаришдаги мехнат муҳофазаси бўйича мансаб йўриқномасини;
- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисаларни текшириш ва Ҳисобга олиш тартибини;
- ишловчиларга зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омилларини таъсирини олдини олиш қоидаларни;
- зарарли моддалар билан ишлашда кўриладиган хавфсизлик чора-тадбирларини;
- ишлаб чиқариш санитарияси ва мехнат гигиенаси қоидаларини;
- автомобилларга ТХК ва Т ишларини бажариш пайтидаги хавфсизлик техникаси қоидаларини;
- «Давсаноатомназорати» ва «Бошдавқувватназорати» назоратидаги жойларда ишлашдаги хавфсизлик қоидаларини;
- ёнгин хавфсизлиги қоидаларини;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун асосларини;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни;
- Мазкур фан мехнат муҳофазаси соҳасидаги асосий қоидаларни, Алоҳида касблар, ҳамда иш турларига мехнат муҳофазаси бўйича йўриқномалар тузиш, бажарувчилар билан мехнат муҳофазаси бўйича йўл-йўриқ ўтказишни ва ўтказилган йўл-йўриқларни расмийлаштириш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисаларни текширишни амалга оширишни кўзда тутати. Хар бир таълим турида мутахассисни тайёрлашда фанни ўрнини ҳисобга олган ҳолда ўқув мақсадларини тоифалари аниқланади.

Олий таълимда “Мехнат муҳофаза си” фанни мақсади қуйидагича белгиланган:

Автомобилларни самарали ишлатиш масалаларини ечишни ўрганиш.

Фанни ўрганадиган муаммолари:

-----Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг **6 май 1993 йил 839 сон** фармони билан “Мехнатни муҳофаза қилиш” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасини қабул қилган қонунига ишлаб чиқариш усулларини.

----- Мулк шаклидан қатъий назар меҳнатни муҳофаза қилишнинг ташкил этишнинг ягона тартибини белгилайди, ҳамда фуқароларнинг соғлиги ва меҳнатини муҳофаза қилишнинг таъминлашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқишни.

----Саноат корхоналарида илмий техника тарақиётининг тез суратлар билан кириб келиши, ишчиларни оғир кул меҳнатидан озод қилиш билан бирга уларнинг иш шароитларини яхшиланишига, бахтсиз ходисаларни камайишига шу билан биргаликда иш самарадорлигини оширишга тула имконини

---- “Мехнатни муҳофаза қилиш” га қарши тадбир ва чораларни уз вақтида режалаштириб сунгра амалда уларни бажара олишга қодир бўлишлари ва ундан келиб чиқадиган хулосаларга таянган ҳолда бахтсизликни олдини олишга қодир бўла оладиган чора тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат.

Мутахассисни тайёрлашда фаннинг ўрнини асос қилиб олган ҳолда, унинг ўқув мақсадлари шакллантирилади.

“Касбий таълим ” таълим йўналишлари бўйича бакалаврни касб-хунар коллежларининг касбий ва мутахассислик фанлари педагоги сафатида тайёрланади.Шу билан бирга улар ўз таълим йўналишлари бўйича ишлаб чиқаришда , илмий тадқиқот институтларда конструкторлик технологик лойихалаш ташкилотларда турли лавозимларда ишлашлари мумкин.

5. Ўқув мақсадлари мазмунларини белгилаш.

Ўқув мақсади тушунчаси ўрганиш мақсади (ўргатиш мақсади каби) тил шаклига келтирилган

ниятидир. Бошқача қилиб айтганда, ўрганиш мақсади бу ўқишни муваффақиятли тамомлагач, ҳосил бўлган якуний ҳуқ туғрисидаги езма ҳужжатдир. Ўрганиш мақсадларига берилган таърифнинг маъносини қуйидаги ҳолатдан яхши билиб олса бўлади: „Қаерга боришингни билмасдан йўлга чиқсанг, ўзинг кутмаган ердан чиқиб қоласан.“ Назарий дарс ва инструктаж аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнларидир. Бу жараёнлар аввалдан белгиланган муайян ўрганиш мақсадларига эришиш учун олиб борилади. Агар дарс мақсадлари белгиланмай ўтказилса, у ҳолда дарснинг мазмуний ва дидактик тузилиши у ёки бу даражада тасодифга боғлиқ бўлади. Натижада дарс давомида мавзуга тааллуқли бўлмаган мазмунларга тўхталишга тўғри келади. Бу эса ўз навбатида „аравани қуруқ олиб қочишга“ олиб келади. Мақсадлар аниқ ишлаб чиқилгандан кейингина назарий дарс ва инструктажни мазмуний ва дидактик тузишга кириш мумкин. Бундан инструктор ва ўқитувчи учун ўрганиш мақсадларини танлаш ва аниқлаш вазифаси юзага келади. Назарий дарс ва инструктажларни шакллантириш учун олдиндан мос келадиган мақсадларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Дарс ва инструктаж шундан сўнг мазмуний ва методик равишда белгиланган мақсадларга эришиш учун йўналтирилади.

Амалиётда ҳар бир дарс ва инструктаж ўқитиш учун ўрганиш мақсадлари ишлаб чиқилади. Ўрганиш мақсадлари шу орқали қандай стратегиялар ва ресурслар сафарбар этилиши лозимлигини белгилайди. Мазкур стратегия ва ресурслар ҳар қандай ўқув жараёнида бош принциплар сифатида хизмат қилади.

Ўқитиш мақсади таксоманиялари Турли фаолиятлар даражаси Таксоманиялар деб аталувчи ўрганиш мақсадларини классификация қилишни талаб этади, бу классификация ҳуқнинг тартибга келтирилиши ва фаркланишига олиб келади. Ўрганиш мақсадлари

турлича аниқ ёки унча аниқ бўлмаган шаклларда ишлаб чиқилиши мумкин.

Касб-

хунар таълими амалиётида қуйидаги уч тур фарқланади:

Ориентир мақсадлар

Қонунан белгиланиши мумкин бўлган бирламчи таълим мазмунларини тасвирлайди. (масалан: касб-хунар таълими тўғрисидаги қарорларда ифодаланган мазмунлар). Улар ўқишнинг йўналишини белгилаб берсаларда, якуний хулқни ифодаламайдилар.

Умумий мақсадлар

таълимнинг кичикроқ қисмларига таалуқли бўлиб, ўқувчи қобилияти тўғрисидаги умумий маълумотларни тасвирласада, якуний муносабатни ифодаламайди. Умумий мақсадлар ҳам юқорида кўрсатилган хужжатларда берилиши (қарорлар ва рамочный ўқув режаларида) ёки инструктор ва ўқитувчилар томонидан мустақил равишда ишлаб чиқилиши мумкин

Аниқ мақсадлар

ўлчаниши мумкин бўлган аниқ якуний хулқни ифодалайди. Шунинг учун уларга берилган таърифларда мақсадга эришиш индикаторлари, шунингдек, эришиладиган натижа учун мавжуд муҳим шарт-шароитлар (инструментлар) ҳам ўз ифодасини топади.

Аниқ мақсадлар умумий мақсадларни таснифлайди. Аниқ мақсадларнинг мавжудлиги аввало умумий мақсадларга эришиш имкониятини беради.

Аниқ мақсадлар аниқ ифода этилганлиги туфайли таълим жараёнида муҳим ўрин тутади, чунки уларга кўшимча таъриф ва талкин беришнинг зарурияти йўқ. Улар инструктор ёки ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилади.

Ўрганиш мақсадлари 3 соҳада тўзилади ва даражаларга бўлинади.

- когнитив ўрганиш соҳаси
- психомоторик ўрганиш соҳаси
- аффектив ўрганиш соҳаси

Когнитив ўрганиш соҳаси

Когнитив соҳаси ақлан қайта ишланган ахборотларни, яъни фактларни, тушунчаларни, принципларни ва усулларни, шунингдек, принципларни анализ ва синтез қилиш, баҳолаш ва қарор чиқариш орқали қўллашни ўз ичига олади. У билимларни едда саклаш, интеллектуал ва кобилиятларни ривожлантириш кузда тутган урганиш мақсадларини ўзи мужассам этади. Ушбу ўрганиш мақсади (BLOOM фикрига кўра) ўсиб бораётган интеллектуал талаблар қаторига киритилиши мумкин

(2 расм)

1. Босқич: фактлар, тушунчалар ва принципларни билиш

2. Босқич: принциплар, коидаларни тушуниш ва англаш

3. Босқич: коидалар, тушунчалар ва конунларни қўллаш

4. Босқич: принцип, усул ва жараёнларни таҳлил қилиш


5. Босқич: Синтезлар ўтказиш - билим турларини катгарок алоқадорлик гуруҳларига киритиш

6. Босқич: мезон ва қадриятларга кўра хулқни ва билимларни баҳолаш Когнитив соҳанинг энг куйи босқичи „билим“ деб аталади. Бу кимнингдир фактлар ва принципларни эслаши демакдир. Бу босқичда шахс ўзлаштирган билимларини эслаши, уларни номлаши ва айтиб бериши мумкин.

„Тушиниш“ босқичида хулосалар чиқарилади, мавжуд вазият таҳлил қилиниб, унга алоқадор ҳолатлар аниқланади. Бу босқичда принциплар ва коидалар ўрганилади.

„Қўллаш“ босқичида ўрганилганлар умумлаштирилади ва турли шаклларда қўлланилади. „Таҳлил қилиш“ ва „синтез“ босқичлари шахсга берилган ҳолатни таҳлил қилиш, факт ва принципларни ўрганиш соҳаларидан олган билимлари билан боғлаш ва бу орқали кенг қамровли алоқадорликни аниқлаш имконини беради.

„Баҳолаш“ энг юкори босқич ҳисобланади. У шахсга маълум қадриятларга таалукли ҳолатларни баҳолаш, шунингдек, қарор қабул қилиш ва муаммоларни ҳал қилиш учун баҳолаш инструментларини яратиш имконини беради.



2.Расм Б.Блум таксономияси бўйича ўқув мақсадларини тоифалари

Психометрик соҳаси.

Бу ўрганиш соҳаси амалий иш жараёнлари орқали ҳосил қилинадиган қобилиятлар ва кўникмалар олишга мўлжалланган. Бунда психика орқали бошқариладиган мускул ҳаракатлари (моторик ҳаракатлар) амалга ошади. Амалий фаолият олиб бориш, мисол учун инструмент ишлатиш психомоторик ўрганиш соҳасига тааллуқлидир. Ушбу ўрганиш соҳаси инсон ҳоҳиши томонидан бошқариладиган ҳаракатларни ифодалайди. Улар эса ўз навбатида моторик кўникмаларни талаб этади. У мисол учун оддий, ўрта ва комплекс ҳаракатларга ажратилиши мумкин.

Аффектив ўрганиш соҳаси

У маслак, манфаат, муносабат, қадрият, шунингдек, интизомга нисбатан қараш, меҳнат хавфсизлиги, меҳнатга тайёрлик каби эмоционал ҳолатларга тегишлидир. Хулоса қилиб айтганда, ўрганиш мобайнида уччала ўрганиш соҳалари ҳам қўлланилади.

Назарий дарсда кўпроқ когнитив соҳа, амалий таълимда эса кўпроқ психомоторик соҳа қўлланилади.

Аффектив соҳа кўпинча ўзбўларчиликка солиб кўйилади (бу эса албатта нотўғридир). Шахснинг умумтараккиётига янгича назар ташланиши билангина бу соҳа яна аҳамият касб этиб бормокда.

Ўрганиш максadini таърифланиши Курс дастурларида „Курс максадлари“ дарси кўпинча курсни тасвирлаб беради холос. Бунда „билмок“, тан олмок“, тушунмок“ каби муайян сўзлар тилга олинади. Шундай бўлсада, „ўқувчи тушунади“, англайди“ ёки „билимлар“ олади дейишнинг ўзи етарли эмас. Кимнинг қандай тушунганлигини кай йўсинда текшириш мумкин? Қандай килиб унинг „билимларини“ ўлчаш мумкин? Ўқувчининг белгиланган максадга эришганлигини текшириш мумкин бўлмаса, у холда бундай максадлар режалаштириш ҳеч қандай самара бермайди. Ўрганиш мақсади қанчалик аниқ бўлса унга эришилганлик даражасини баҳолаш шунчалик осон бўлади. Ўрганиш максадларини аниқ ифодалаш ўрганиш максадларининг операциялизация қилиниши демакдир.

MAGER фикрларига кўра ўрганиш мақсадида:

1.Хулк ишонарли ифодаланган фаолият билан тасвирланади

2.Шарт-шароитлар тасвирланиб берилиш лозим. Ушбу шарт-шароитлар остида кутилган хулк кўрсатиб берилади.

Билмоқ	Ўрганмоқ	Ўйламоқ	Кузатмоқ
--------	----------	---------	----------

3.Х
улк
ни
баҳ
ола

ш масштаби кўрсатилиб берилади.

Мазкур баҳолаш масштаби „инобатга олинадиган натижа стандарти" сифатида белгиланади ва одатда аниқ мақсадлар даражасида кўлланилади.

Қанчалик биз ўз мақсадларимизни аниқлаштира олсак, шунчалик уларнинг эришилишига яқинлашамиз. Амалий машғулотлар соҳасида энг кўп кўлланиладиган индикаторлар қуйидагилардир:

- Шарт-шароитлар

- Сифат

- Миқдор

- Вақт

- Бошкатомадан миқдоран

белгиланмаган вазифани

тасвирлаш кейин кечиши табиий.

Шу сабабдан ўрганиш

мақсадларини ифодалашда иш-

ҳаракатни билдирувчи ва иш-

ҳаракатни билдирмайдиган

фёъллар фаркланади.

Қуйидаги ноаниқ иш-ҳаракатни билдирмайдиган фёълларни ишлатмаслик керак:

Тушунмоқ	Ишончи комил бўлмоқ	Англамоқ	Кўрсатмоқ
----------	------------------------	----------	-----------

3

жадвал Ноаниқ иш-харакатни билдирмайдига феъллар.(мисол)

Уларнинг ўрнига ўрганиш мақсадлари учун қуйидаги иш-ҳаракатни ифодаловчи феълларни ишлатиш лозим: (4 жадвал): Когнитив
ўрганиш соҳасида

4 жадвал

Иш –харакатни ифодаловчи феъллар (мисол)

Билиш	Идентификацияламоқ, номламоқ
-------	------------------------------

	Таърифламоқ, рўйхат тузмоқ, умулаштирмоқ, ёзмақ.
Тушуниш	Таққосламоқ, фарқламоқ . тушунтирмоқ, алоқадорлигини аниқлаш, ифодалаш , мисол келтирмоқ.
Қўллаш	Ишлатмоқ, танламоқ топмоқ, тайёрламоқ, ечмоқ, хисобламоқ.
Тахлил қилиш	Фикрламоқ, таққосламоқ, қарама-қарши қўймоқ, тахлил қилмоқ.
Синтез	Классификация қилмоқ, комбинацияламоқ, тузмоқ, конструкциялаштирмоқ, яратмоқ, жамламоқ.
Билимларни баҳолаш	Қарор қилмоқ, баҳоламоқ, оқламоқ, танқид қилмоқ.


Аффектив ўрганиш соҳасида Ушбу ўрганиш соҳасидаги специфик ўрганиш мақсадларини иш-ҳаракатини билдирувчи феъллар орқали ифодалаш, шунингдек, ўрганиш мақсадларини кузатиш ва баҳолаш қийин кечади. Шундай бўлсада қуйидаги босқичларга бўлишни амалга ошириш мумкин: 5 жадвал

Аффектив ўрганишнинг босқичлари.

1 . Босқич	Қадриятни англамоқ Қадриятни қабул
------------	------------------------------------

	қилмоқ Қадриятга кейинги харакатларда эътибор бермоқ
2. Босқич	Қадриятга талабларга кўра эътибор бермоқ Қадриятга ўз маслагидан келиб чиқиб эътибор бермоқ Эътибор беришда қониқиш хиссига эришиш
3. Босқич	Қадриятни қабул қилмоқ
4. Босқич	Қадриятни тартибини тузмоқ
5. Босқич	Қадриятни тартибига кўра харакат қилмоқ

Ўрганиш мақсадларини танлаш. Ўрганиш мақсадлари ўқув режаси ёки куррикулумда бўлганлиги учун уларнинг таърифлаш хар доим хам талаб этилавермайди. Улар аниқ ўқитиш ниятига биноан мувафаққиятни таъминловчи принципга кўра танлашлари лозим. Қўшимча ўқитиш ва ўрганиш материаллари ифодаланган ўрганиш мақсадлари хам мавжуд бўлади. Агар қўллаш босқичида тасвирланган бундай ўқитиш ва ўрганиш материаллари қўлланилса унда эслатиб ўтилган ўрганиш мақсадларига эришилди, деб хисобласа бўлади. Асосан мавжуд холатга мос келадиган ўрганиш мақсадларини танлаш инструкторнинг вазифасидир, (адресатлар, шарт шароитлар ва мақсад соха анализини солиштиринг.) Агар улар мавжуд мақсадларга мос келмаса, унда уларни модификация қилиш керак. Доимо тахминий ва умумий мақсадлар принципи эътиборга олинсагина маълум миқдордаги аниқ мақсадларни таърифлаш мумкин. Хар доим аниқ мақсадларни белгилаш мақсадга мувофиқ бўлавермайди. Бу хол инструкторнинг натижаларини кузатиш, ўлчаш борасидаги ишларига халақит бериб, инструкторнинг сифатли фаолият кўрсатишига таъсир кўрсатади.



3.расм Ўқитиш мазмунини ишлаб –чиқишни инфраструктураси.

Ўқитиш мақсадларини ишлаб чиқиш бу уларни кўп сонли манбалардан танлаш ва ҳар қайси ўрганиш мақсадига мослаштириш демакдир. **Инструктор** ва ўқитувчилар ўрганиш мазмунларини ишлаб чиқмасликлари керак. Назарий дарслар махсус соҳалардаги амлий машгулотлар учун ўқув китоблари, курс материаллари картотека каби турли манбаларда мавжуддир. Шубилан бирга инструктор ёки ўқитувчининг ўз амалий тажрибаларини ҳам унутмаслик лозим. Шу ўринда аллақачон амалга оширилган бир босқичга тўхталмоқчимиз. Чунки аввалги модулда махсус соҳа таҳлил қилиниши керак, деб айтдик. Унга кура манба материаллари текширилди ва мазмун структураси, шунингдек касб хунар таҳлил қилиб олинди. Ушбу манбалар қайси бўлимларда мақсадни тематик равишда белгилай олади, деган масалани қайтадан текшириб чиқиш керак. Асосий кўрсатмаларни графикада (3 расмда) тасвирланган мазмун инфраструктураси орқали олиш мумкин. Тўлиқ ва тўғри ишлаб чиқилган мазмун инфраструктураси махсус соҳа учун мазмунлар рамакисини яратиш, махсус соҳа тўғрисида умумий тушунча беради. Энди эса дарс ва инструктажлар орқали бериладиган мазмуний бўлимларни белгилаб олиш зарур. Бу босқич учун мазмун структурасини қисмларга бўлиш катта ёрдам беради. Ушбу илк ишлар ва ўрганиш мақсадларга эришиш учун қўлланиладиган аниқ мазмунлар яратиш ва танлаш мумкин.

6.Замонавий ўқув мақсадлари таксономиясини мохияти.

Ўқитиш мақсадлари ўқув -тарбиявий жараёнинг- барча бўлақларини ягона тизимга бирлаштирувчи асосий дидактик тоифа ҳисобланади. Мақсадлар мутахассис тайёрловчи бутун тизимнииг умумий йўналишини белгилайди. Мақсадлар муаммоси педагогиканииг асоси негизи бўлишига қарамасдан, унинг талқинида доимо турли фикрлар ва ёндашувлар мавжуд. Баъзи муаллифлар (В. П. Беспалько) таълимнинг мақсади кутиладиган натижа деб ҳисоблайдилар. (В. Окон) нинг фикрича "мақсад" тушунчаси "натижа"тушунчасидан кўра анча кенг, чунки у бу натижаларга эришиш йўлариини ҳам белгилайди. Шу билан бирга, ушбу муаллиф. мақсадлар ичида шундайлари кам борки, улар таълимнинг мазкур даврида ҳали шаклланган ва ўлчаб, ифода этила олмайдиган шахсий сифатлари сидиришга қаратилган бўлади деган фикрини олға суради.

Ўқитиш амалиётида, кўпчилик ҳолларда мақсадлар мужмал ва отига ифода этилади, улар дастурий материал мазмуни ёки ўқитувчи фаолиятиинг мақсади билан алмаштирилади.

Замонавий психологик ва педагогик адабиётда "мақсадлар таксономияси" ибораси кўи учрайди, "Таксономия" сўзи юнон тилидан олинган бўлиб, "taxis"-тартиб билан жойлаштириш "nomos"-қонунни англатади. Шунинг учун "мақсадлар таксономияси"да биз мақсадларни маълум бир белгисига кўра тизимлашни тушунамиз,

Педагогик жараёнда мақсадларни тизимлаш қонуниятларини излаб топиш муаммоси, психолог ва педагогларни эътиборини доимо ўзига қаратиб келган. Дастлабки педагогик таксономиялардан бири "ўқитиш мақсадларни таксономияси америкалик олим Б, Блум ва унинг шогирдлари томонидан ишлаб чиқилган эди. Кейинчалик Дж. Гилфорд таксономияси пайдо бўлди,

Ҳозирги кунда энг кенг тарқалган Блумнинг ўқув мақсадлар таксономияси тизими ҳисобланади, В.Блум бўйича ўқув мақсадларининг асосий тоифалари қуйидагилар: билиш, тушуниш, қўллаш, анализ, синтез.

Баҳолаш, Ушбу педагогик таксономия ишлаб чиқилган даврдан кунгача фан, техника, технология соҳасида улкан инқилобий тараққиётлар амалга оширилди. XX асрнинг иккинчи ярмида олинган маълумотлар, инсониятнинг тўла

тарихи давомида тўпланган билимларнинг 3 ғ 4 қисмини ташқил этади. Илм-фан ривожининг кўчкисимон ўсишга олиб келмоқда. Ушбу шароитда ҳар бир фан бўйича илмий маълумотларни камида билиш даражасида ўзлаштиришига деярли имконият йўқлигини тан олишимиз даркор. Шунинг учун замонавий ўқув мақсадлар таксаномиясига “тасаввур қилиш” ўзлаштириш поғонасини киритишимиз тўғридир. Ҳозирги кунда илмий-техника тараққиётнинг жадал суръатларни сақлаш олий таълим тизими битирувчиларнинг энг юксак вазифасидир, Буни таъминлаш учун бутун дунё ушбу соҳада ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Биринчи навбатда олий таълим икки босқичли бўлмоқда: бакалаврият ва магистратура. Масалан Болонья декларациясига биноан 29 Европа давлатлари 2010 йилта ECTS кредит технологияга асосланган икки босқичли олий таълим тизимига ўтадилар.

Олий таълимнинг иккинчи босқичи бўлмиш магистратурада ўқув жараён ўзига хос хусусиятлар билан ажралиб туриши муқаррар. Ушбу хусусиятлар замонавий бозор иқтисодиёти талаблари асосида вужудга келмоқда. Бугунга иқтисодиётнинг пойдевори илмий-техника тараққиёти ҳисобланади. Уни жадал суръатлар билан ривожланишига корхоналар, фирмалар, компаниялар, барча муассасалар орасида мавжуд бўлган рақобат асос бўлиб келмоқда.

Рақобат эса мунтазам равишда илмий-техникавий муаммоларни туғдиради.

Магистрнинг вазифаси ушбу муаммоларни аниқлаш ва ечимини ишлаб чиқишдан иборатдир, Бундай кўникмаларни магистратурада ўқиш даврида эгаллаш лозим. Шунинг учун ҳам магистратурада дарслар кейс-стадий шаклида ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Кейс-стадий дарсларида муаммони талаба ўзи аниқлайди, шакллантиради ва ечимини асослаб тавсия қилади. Бир босқичли олий таълим тизимида талаба берилган муаммога ечим ишлаб-чиқади, лекин муаммони аниқлаш кўникмаларига эга бўлмайди.

Кейс-стадий дарсларда тақдим этадиган ҳолатларга, воқияларга талаба ўз муносабатини шакллантиради. Демак бу ерда ўқув мақсадни янги

поғонаси вужудга келмоқда - муносабат. Кўриниб турибдики юқорида баён этилганлар асосида 8 -поғонали ўқитиш мақсадлар таксонимияси вужудга келмоқда (6 жадвал).Жадвал

Ўқув мақсадларнинг **замонавий таксаномияси**. 6 жадвал

№	Тоифалар	Феъллар
1	Тасаввур	Кўрсатиш,айтиб бериш,номламоқ.

2	Билиш	Қайтариб айтиш,ифодалаш,такрорлаш.
3	Тушуниш	Очиб ташлаш,тушунтирмак,изох бериш
4	Қўллаш	Хисоблаб чиқариш,фойдаланиш,хисоблаш
5	Тахлил	Таснифлаш,тақсимлаш,қисмларга ажратиш
6	Синтез	Умумлаштириш,тузиш,лойихалаш.
7	Баҳолаш	Исботлаш,асослаш қиёлаш.
8	Муносабат	Аниқлаш,шакллантириш,тавсия ишлаб чиқиш.

Умум мақсадларни таксаномияси бўйича барча тан оладиган ягона ёидашув ханузгача мавжуд бўлмасада педагогик адабиётда дидактик мақсадлар икки йўналиш бўйича таснифланиши кузатилади: Даражаси бўйича (умумпедагогик, фанлар бўйича тезкор) ва дидактик. Вазифалар бўйича (билим олиш ва амаллар бўйлаб).

Мақсадларнинг кўп даражалиги қуйидаги тартибда аниқланади (Л.В.Борисова бўйича).

1 даража - машгулотлар муайян турнинг тезкор (оператив) ўқув мақсадлари.

2 даража - фаннинг ўқув мақсадлари.

3 даража - ўқитишнинг умумпедагогик мақсадлари.

Умумпедагогик мақсадлар (3-даража) мазмуни мутахассиснинг моделини ёки малакавий тавсифномасини акс эттиради ва зарурий назарий ҳамда касбий билимларни, малакаларни ва шахсий сифатларини белгилайди. Фаннинг ўқув мақсадларни (2-даража) ўқув фанининг мазмуни ва хусусиятларини акс эттирди. Модул ўқитишда 2-даражани мақсадларни П.Юцявечине [70] таърифдан сўнг, мажмуавий дидактик мақсад деб юритила бошланди ва у тўла модулли дастурда амалга оширилади.

Ўқув машгулотлари муайян турнинг тезкор (оператив) мақсадлари (1-даража) билимлар, кўникмалар, фикрлаш амаллари, ижтимоий — коммуникатив малакалар тилида ифода этилади.. Бу эса ўқув фаолиятини аниқ ташкил этишга имконият беради. Модулли ёндошувида тезкор мақсадлар даражасига интеграллашувчи деб аталувчи ва жорий мақсадлар (П.Юцявечине бўйича) мос келади. Интеграллашувчи мақсадлар муайян модулар орқали амалга оширилади. Ҳар бир интеграллашувчи дидактик мақсад хусусий дидактик мақсадлардан иборат бўлади. Жорий мақсадлар модулни ташкил этган ўқув элементлари орқали амалга оширилади,

Бизнинг фикримизча ўқув мақсадларини куйидаги 5-даражали шкала бўйича аниқлаш мақсадга мувофиқдир:

1 даража - умумпедагогик мақсадлар.

2 даража - фанлар блокининг (макромодулар) ўқув мақсадлари.

3 даража - фаннинг ўқув мақсадлари.

4 даража - ўқув машғулоти муайян турининг ўқув мақсадлари.

5 даража таянч ибора ва тушунчаларнинг ўқув мақсадлари

Фанлир блоки ўқув мақсадлари (2-даража) мутахассис малакавий тавсифномаси йўналишларининг бири бўйича тайёрлашни белгилайди. У ўқув режасининг ўзаро узвий боғланган фанлар блокинни ўзлаштириш орқали амалга оширилади.

Модулли уқитишга утишда куйидагиларини амалга ошириш куста тутилади:

Ишчи уқув режани чуқур таҳлили асосида, узаро чамбарчас алоҳида макромодулар тўплами сифатида каралади.

Кўпчилик холларда куйидаги уч турдаги макромодулар тузилиши мумкин:

а) гуманигар фанларни ўз ичига олади;

б) иктисодий фанларни ўз ичига олади;

в) умумтаълим, умутехник, умумкасбий ва махсус фанларни ўз ичига оладиган.

Ҳар кайси макромодулнинг мутахассисни шакллантиришда, ўз мақсад ва вазифаси бўлади.

Маълум макромодулни ўрганиш мақсади, унга кирадиган фанларнинг ўрганиш мақсадларидан келиб чиқади.

- Ҳар кайси макромодулнинг ўрганиш мақсадлари туплами, давлат таълим стандартларида акс эттирилган, мутахассис кадр тайёрлашни бош мақсадини ташкил этади.

- Ҳар кайси макромодулнинг мақсади аниқ тузилган бўлиб, унинг биринчи фани ўрганила бошлаганида, ўқувчиларга етказилиши лозим. Макромодулнинг хар бир кейинги фани ўрганила бошлаганида, фаннинг ўрганиши мақсадлари талабларга етказилиши зарур,

- Ҳар қайси макромодул . ичида, ўрганиладиган фанларнинг оптимал кетма-кетлиги ва уларни ўрганиш муддатлари ўрнатилади. Яъни ўқитишнинг узлуксизлигини таъминлаб фанлари ўрганилиш муддатларини ва шу орқали макромодудии ўрганилиши муддатларини қискартиришга эришиш зарур,


Уқув соатлари ҳажми катга бўлмаган (хафтада 1-2, айрим ҳолларда 3 соатли аудитория машғулоти) фанлар, блок фанлар рўйхатига киритилиши, мақсадга мувофиқ бўлади ва улар ўқув семестрнинг биринчи еки иккинчи ярмида ўтилиши мумкин,

» Макромодуллар вертикал яқин ўзаро борликликларни ҳисобга олиш асосида тузилади, аммо уларни ўрганилиш муддатларини ўрнатишда макромодуллар орасидаги горизонтал боғлиқлар ҳисобга олиними лозим.

* Ўқув материалнинг такрорланишини олдини олиш мақсадида. макромодулга кирувчи фанларинг, ўқув дастурларини ўзаро боғлиқлиги таъминланади.

Таянч ибораларнинг ўқув мақсадлари (5-даража). Таянч ибораларнинг ўқув мақсадлари, мутахассисни тайёрлашда муайян фаннинг ўрнини. инобатга олган ҳолда ўқув материалнинг ўзлаштириш даражасини белгилайди. Шу асосда машғулоти турлари аниқланади. Бу ёндашувдан тезкор (оператив) мақсадлар фанининг модуллари бўйича белгиланади. Таянч ибораларнинг ўқув мақсадлари алоҳида даражага ажратиш фанининг ўқув мақсадларини аниқлаштиришга қаратилган.

Модулли ўқитиш контекстида дидактик мақсадлар пирамидаси қуйидаги кўринишга эга бўлади 4. Расм).



4-Расм Дидактик мақсадлар пирамидаси.

Дидактик мақсадлар даражалар бўйича таснифлашидан ташқари, мақсадлар таксаномияси уларни тури бўйича яъни дидактик вазифаларга (функцияларга) кўра таснифлашни ҳам назарда тутди: билим олиш (гносеологик) бўйича, фаолият (функционал) бўйича мақсадлар,

Билим олиш (гносеологик) бўйича мақсадлар ўқув материалининг асосан назарий мазмуни орқали амалга оширилади. Модулларнинг ахборот материали (гносеологик) белгиларга кўра, яъни таянч иборалар ва ўқув фани усуллари атрофида шакллантирилади. Билиш учун хизмат қиладиган модулли дастурлар ўқувчиларнинг фундаментал билимларини шакллантириш мақсадида тузилади.

Фаолият бўйича мақсадлар ўқув мазмунининг асосан амалий қисми орқали рўёбга чиқарилади ва у ўқувчиларда кўникма ва малакаларни шакллантириш учун хизмат қилади, Модулнинг мазмуни функционал белгиларга кўра тузилади, яъни у билим олиш ва (ёки) касбий фаолиятнинг функциялари, усуллари, йўллари атрофида шакллантирилади, Фаолият бўйича модулли дастурлар кўпчилик ҳолларда мутахассисни касбий тайёрлаш учун тузилади,

Билим олиш бўйича дастлабки модулли дастурлар Дж. Рассеп томонидан яратилган эди, Ўқувчининг таянч тайёргарлигининг муҳимлигини таъкидлаб, у гиосеологик белгиларга кўра модуллар вомодулли дастурлар ишлаб чиқди, Худди шундай тамойилга асосланиб, С.Н.Постлейтвейт ва Ж.Новаклар модулли дастурлар тuzдилар.

80 - йилларнинг бошида И.Ирокоченко меҳнат нинг халқаро ташкилоти мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш усталарининг малакасини ошириш учун фаолият бўйича модулли дастур ишлаб чиқилган эди. И.Прокоченко эксперт йўли билан устанинг ишлаб чиқариш фаолиятидаги 34 та вазифасини ажратиб кўрсатди ва шуларга " мувофиқ модулли дастур таркибига 34 та модул киритди, ҳар бир модул муайян вазифага ўргатишга қаратилган эди.

Фаолият бўйича модулли дастурлар ҳозирги пайтда Турин шаҳридаги малака оширишининг Халқаро марказида ўқитувчиларни қайта тайёрлашда Швеция ва Англияда. ўрта касб -ҳунар таълими тизимида Коломбодаги Давлат техника коллежида, Канададаги Квебек университетининг техник касб-ҳунар курсларида томонидан техника билим юртлари талабаларида кўникмалар ҳосил қилиш учун фаолият модуллари яритилган В.М Гореев. С.И.Кулинов, Е.М.Дурколар машинасозларни тайёрлаш учун фаолият модуллари ишлаб чиққанлар.

Ушбу муаллифлар томонидан модулли яратишдан мақсад ҳар бир мавзу мазмунини касбий, педагогик ва дидактик вазифаларга кўра таркибий қисмларга бўлиш, барча таркибий қисмлар учун ўқитишнинг мақсадга мувофиқ тури ва шакллари аниқлаш, уларни вақт бўйича мувофиқлаштириш ва ягона мажмуага йиғиш ҳисобланади.

Ўзбекистонда т.ф.д. Авлиякулов Н.Х. ва Мусаева Н.Н. томонидан касб ҳунар коллежларида кичик мутахассисларни касбий тайёрлаш учун фаолият (операцион) турдаги модулли дастурлар ишлаб чиқилди. Мазкур дастурлар бўйича кичик мутахассислари тайёрлаш доирасида ихтисосликка ўргатиш амалга оширилади. Умумлаштириб таъкидлаш мумкинки ўқув мақсадларининг 5-даражани шкала

бўйича шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Бунда ҳар бир таянч иборани ўзлаштириш даражасини белгилайдиган аниқ тоифадаги ўқув мақсадини шакллантиришга имконият пайдо бўлади.

7. Касбхунарколлежидаги “Мехнат ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш” фанини мазмуни қуйидагилардан иборат I бўлим. Мехнат муҳофазасининг умумий масалалари

1-Мавзу. Мехнат муҳофазаси асосий меъёрий Хужжатлар

Мехнат шароитини соғломлаштириш ва яхшилаш уни Хавфсизлигини ошириш хўжалик ва касаба уюшма ташкилотларини муҳим вазифасидир. Конституциядаги мехнат муҳофазаси масалалари. Давлат корхонаси (бирлашма) тўғрисидаги ШИЖИни қонундаги мехнат муҳофазаси масалалари. Корхона, муассаса ташкилотларини ишчи ва хизматчилари учун намунавий мехнат тартиби қоидаси. Мехнат муҳофазасининг қоида ва меъёрлари. Мехнат муҳофазаси бўйича тармоқ қоидалари, йўриқномалар.

Мехнат хавфсизлиги стандартларининг тузилмаси (МУСТ). Мехнат шароитини яхшилашдаги МУСТнинг ахамияти ва ўрни. Мехнат хавфсизлиги стандартлари белгилашнинг тузилиши. Стандартлаштириш жойлари. Автомобил транспорти корхона ва ташкилотларида мехнат хавфсизлиги стандартларини тадбиқ қилиш бўйича ишни ташкил қилиш. Мехнат хавфсизлигининг асосий стандартлари: ГОСТ 12.0.001-82 (СТ СЭВ 829-77), МХСТ "Асосий қоидалар", ГОСТ 12.0.003-74 (СТ СЭВ 79-77), МХСТ "Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллар ГОСТ 12.0.004-79 "Ишчилар мехнат хавфсизлигига ўқитишни ташкил қилиш" ГОСТ 12.3.017 "Автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатишда, хавфсизликнинг умумий талаблари».

Мехнат муҳофазаси Холати устидан давлат жамоат ва муассаса назорати. «Давсаноатомназорати», «Бошдавкуватназорати», «Давсанназорати», «Давённазорати», «Давлат автомобил назорати», касаба уюшмаси, МКни мехнат

Хуқуқи назорати, касаба итифоқи қўмитасини меҳнат муҳофазаси бўйича Хайъати, меҳнат муҳофазаси жамоатчи назорати, юқори хўжалик ташкилотлари меҳнат муҳофазаси хизматини Хуқуқ ва вазифалари. Меҳнат муҳофазаси қонунларини қоида ва меъёрларини бузганлиги учун интизомий. маъмурий, моддий ва жиноий жавобгарлик.

2-Мавзу. Меҳнат муҳофазасини амалга ошириш

Автомобил транспортидаги меҳнат муҳофазасини бошқариш тузилмаси. Бошқаришнинг вазифаси ва масалалари. Меҳнат муҳофазаси бўйича мансабдор шахсларнинг Хуқуқ ва вазифалари, лавозим йўриқномалари. Меҳнат муҳофазаси бўйича ишни режалаш. Жамоа шартномаси. Жамоа шартномасига илова қилинадиган Меҳнат муҳофазаси бўйича битим. Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни маблағ билан таъминлаш. Корхонани меҳнат муҳофазаси хизмати меҳнат муҳофазаси муҳандислигини асосий вазифалари. Меҳнат муҳофазаси Холати устидан тезкор ва маъмурий жамоат назорати ишлаб чиқаришдаги бахтсиз Ходисаларни текшириш ва Хисобга олиш тартиби. Гуруҳли бахтсиз Ходисаларни ва ўлим билан янунланган бахтсиз ходисалар махсус текшируви. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисалар тўғрисидаги Хисобот (Н-І шакли № 7-ТВН шакли). Меҳнат санитар техник Холатини Хужжатлаштириш, меҳнат муҳофазаси даражасини Хисобга олиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш. Меҳнат муҳофазаси юзасидан ишни рағбатлантириш.

3-Мавзу. Автомобил транспорти корхоналарида хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари. Зарарли моддалар билан ишлашда хавфсизлик чоралари.

Шахсий муҳофаза воситалари.

Автомобил транспорти корхоналаридаги хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари. Меҳнатни санитар гигиеник шароитини назорат қилиш. Газланганликни, Хавонинг чангланганлигини, оби-Хавонинг шароитини, ёритилганликни, шовқин ва титрашни, автомобиллар чиқарадиган зарарли газлардаги ва оқава сувлардаги зарарли моддаларнинг миқдорини текширадиган асбоблар. Этилланган бензин, антифриз, метанол, эпоксид омиллари, тормоз суюқликлари билан муомала қилишдаги қоидалар. Шахсий муҳофаза воситалари. Таъминлаш тартиби, бериш меъёри сақлаш тартиби. Олдини олувчи ишлов ва тузатиш.

Амалий ишлар

Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларини ўлчовчи асбоблар ва чангланганликни, газланганликни, шовқин ва титрашни ўлчаш. Олинган маълумотларни йўл қўйиладиган юқори миқдорлар билан таққослаш. Ўлчанган маълумотларни санитар техник ҳолатини Хужжатда қайд қилиш.

4-Мавзу. Автомобил транспорти корхоналарида ишлаб чиқариш шикасти ва касб касалликларни олдини олиш

Ишлаб чиқариш касби ва касб касалликларини асосий сабаблари (техникавий, рухий, физиологик, иқтисодий). Автотранспорт корхоналарида ўзига хос бахтсиз ҳодисалар. Ишлаб чиқариш шикастини таҳлил қилиш усуллари. Шикастни таҳлил қилишни статистик усулини бир туридай гуруҳлаш ва типографик усуллари. Шикастни таҳлил қилишни монографик усули. Шикастни таҳлил қилишнинг вазият усули. Сабабнинг оқибат билан боғлиқлик схемалари.

Мехнат хавфсизлигини ошириш бўйича ташкилий тадбирлар. Мехнат муҳофазаси бўйича йўл-йўриқ бериш. Мехнат муҳофазаси бўйича барча турдаги йўл-йўриқларни ўтказиш тартиби. Ўта хавфли ишларда банд бўлган ишчилар ва муҳандис техник ходимларини ўқитишга қўйиладиган махсус талаблар. Автотранспорт корхона-ларини ва унинг бўлимларини ва мутахассисларини ўқитиш. Мехнат муҳофазаси бўйича бурчаклар, хоналар ва оғохлантирувчи суръатлар. Мехнат муҳофазаси бўйича маърузалар, амалий машқлар, кўрик мусобақаларни ташкил қилиш. Ишлаш ва дам олишнинг энг маъқул маромини таъминлаш. қўшимча таътилга чиқиш ва қисқартирилган иш куни Ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, бўлимлар, касблар, мансаблар. Аёллар ва 18 ёшдан кичик шахсларни меҳнатидан фойдаланиш қоидалари. Хомиладор аёллар ва болалик аёлларга бериладиган имтиёзлар. 18 ёшдан кичик бўлган шахсларга иш вақтининг қисқартирилган муддати. Ишловчиларга даволаш, касалликни олдини олувчи хизмат кўрсатишни ташкил қилиш. Дастлабки ва даврий ижобий кўриклар.

Амалий ишлар

қуйидаги ҳолларда шикастлардаги бахтсиз ҳодисаларни вазиятга қараб сабабини оқибати билан боғлиқлик баёнини тузиш баробарида таҳлил қилинсин:

- гилдиракларни дамлашда ёки йигишда сақлагич халқанинг отилиб кетиши;

- вақтинчалик таянчга кўтарилиб қўйилган автомобилнинг тушиб кетиши;
- ишловчига юкни тушиб кетиши;
- автомобилнинг ўз-ўзидан ҳаракатга тушиши.

II бўлим. Ишлаб чиқариш санитарияси ва гигиенаси

5-Мавзу: Мехнат муҳофазасини Худудга, ишлаб чиқариш ва ёрдамчи биноларга талаби

Мехнат муҳофазасини автотранспорт корхонаси худудига транспортни келиши ва ўтиш йўлларига, одамлар ўтиш йўлларига, автомобилларни сақлаш хоналарига ва таъмирланиш жойларига талаблари. Мехнат муҳофазасини, автомобилларни дала шароитларида вақтинчалик туриш жойларига қўйиладиган талаблар. Сиқилган ва суюлтирилган газда ишлайдиган автомобиллар сақланадиган хоналарга қўйиладиган қўшимча талаблар. Мехнат муҳофазасини автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш хоналарига, ювиш жойларига, аккумулятор ишлари бажариладиган хоналарга, маъмурий ёрдамчи ва санитар маиший хоналарга қўйиладиган талаблари.

6-Мавзу. Мехнатни санитар-гигиеник шароитлари

Автомобил транспорти корхоналарини иш мухитининг Хавоси. Хаводаги зарарли моддалар ва уларни одам аъзоларига таъсири иш мухити Хавосидаги зарарли моддаларнинг йўл қўйиладиган юқори қуюқлиги. Иш мухити Хавосида бўлган зарарли моддалардан ишловчиларни Химоя қилишнинг биологик тадбирлари. Ишлаб чиқариш хоналарининг оби-Хаво шароитлари. Харорат, нисбий намлик ва Хаво ҳаракати тезлигининг энг мақбул ва йўл қўйиладиган кўрсаткичлари.

Мақбул оби-Хаво шароитини таъминлаш бўйича тадбирлар. Хаво алмаштириш. Иситиш. Ишлаб чиқариш шовқини, ультратовуш ва титрашга қарши кураш усуллари. Ишлаб чиқаришдаги ёритиш. Техника нафосати. Ишлаб чиқариш хоналарини ички қиёфасини мақбул рангга бўйаш.

Амалий ишлар

Хавонинг Ҳаракат нисбий намлигини ва Ҳаракат тезлигини табиий ёритилганлигини ўлчаш. Олинган миқдорларни меъёрланган миқдорлар билан

таққослаш. Олинган ўлчамларни санитарлик хужжатида қайд қилиш. Ишлаётган автомобил двигателидан хонага чиқарилаётган зарарли моддалар миқдорини Хисоблаш. Умумий шабадалатгич хонага етказиб бериши керак бўлган Хавонинг миқдорини аниқлаш. Ортиқча нам бўлганда, ортиқча иссиқ бўлганда, зарарли моддалар ажралиб чиққанда ишлаб чиқариш хоналаридан иссиқлик йўқотилишини Хисоблаш.

Ш бўлим. Хавфсизлик техникаси

7-Мавзу. Харакат таркибини техник Холати ва жиХозланишга умумий талаблар

Хайдовчининг иш жойи. Юк автомобилларини, тиркама ва ярим тиркамаларни, одамлар ташиш учун белгиланган юк автомобиллари, ўзи ағдаргич автомобиллар, шаХарлараро ва халқаро ташишни бажарувчи автобуслар ва автомобилларни техник Холати ва жиХозланишига қўшимча талаблар. Совуқ фаслларда ишлатиладиган мосламалар.

Амалий ишлар

Харакат таркибини техникавий Холати ва ускуналарини кўздан кечириш. Автомобилларни тўхташ йўлини, рул бошқармаси люфтини аниқлаш.

8-Мавзу. Хавфли юкларни ташиш пайтида хавфсизлик техникаси талаблари

Юкларни хавфлилик даражаси бўйича тоифаси. Хавфли юкларга белги қўйиш. ГОСТ 19433-81 “хавфли юклар». Тоифалаш, хавф белгилари. Хавфли юк ташиладиган Харакат таркибига талаблар. Чиқариш қувурига, ёқилги идишига, электроускуналарга ва кузовга қўйиладиган талаблар. Суюлтирилган газлар, осон аралаштирувчан ва ёнувчан суюқликларни ташишга белгиланган автоцистерналарга қўйиладиган талаблар. Хар хил турдаги хавфли юкларни ташишда хавфсизлик талаблари. Хавфли юкларни ташишда қатнашувчи Хайдовчи ва кузатиб кетувчи шахсларга қўйиладиган талаблар.

9-Мавзу. Юк ортиш ва туширишда хавфсизлик техникаси талаблари.

Юкларни қўлда кўтариш ва ташишдаги йўл қўйиладиган юкни энг юқори огирлиги меъёри. Юк ортиш ва тушириш ишларини ташкил қилиш. Юкларни огирлиги бўйича тоифалари (тури). Юк ортиш ва тушириш майдонлари, омборларига

қўйиладиган талаблар. Қўтариш ташиш қурилмаларини ишлатишдаги хавфсизлик шартлари. Юк қўтариш кранларни Давсаноат назорати ташкилорларида рўйхатдан ўтказиш. Юк қўтариш кранларини техник текширишдан ўтказиш. Қўтариш ташиш қурилмаларини тузатилишига, илгич тузилмалари ва мосламаларини ишлатишга қўйиладиган хавфсизлик техникаси талаблари.

Пўлат арқонларни, пайвандланган ва парчинланган занжир ва илгакларни ишга яроқлилигини аниқлаш. Идишни кўздан кечириш. Юкдан тушириш ишларини бажарувчи ходимга қўйиладиган талаблар. Юкларни юклаш ва жойлаштириш қоидалар.

10-Мавзу. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашда хавфсизлик техникаси қоидалар

Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашда хавфсизликнинг умумий талаблари. ГОСТ 12.3. 17-79 «Автомобил-ларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш, Хавфсизликни умумий талаблари. Автомобил, агрегат ва агрегат қисмларни тозалаш ва ювиш пайтида хавфсизлик талаблари.

Автомобил ва агрегатларнинг техникавий Холатини текшириш. Газ балонли автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашда хавфсизлик техникасининг қўшимча талаблари. Нуқсон аниқлаш, чилангарлик, аккумулятор, пайвандлаш, темирчилик, рессор, мисгарлик тунукасозлик, кузов, гилдирак йиғиш, вулқонлаш, буюқчилик, зангга қарши ишлов бериш ишлари, металл ва ёғочларга механик ишлов беришда хавфсизлик техникаси талаблари.

Харакат таркибига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш технологк жараёнлари тури бўйича.

Амалий ишлар

Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашда фойдаланиладиган иш жойларининг холатини, асбобларни созлиги ва дастакларни техник Холатини кўздан кечириш. Асбобларнинг ишга яроқлилигини аниқлаш. Текширилган дастгоҳни техник Холатини хавфсизлик техникаси талабларига мослигини қайдномасини тузиш. Ишлаб чиқариш бўлинмасини санитар техник холатини текшириш натижаси бўйича Хужжатларни тўлдириш. Ишчиларни меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномасини тузиш.

11-Мавзу. Сиқилган газ ва Хавони қувватидан фойдаланишдаги хавфсизликни асосий шартлари

Босим остида ишловчи идишларни ишлатишдаги хавфсизлик талаблари. Босим остида ишловчи идишларни «Давлатсаноатотом-назорати ташкилотларида рўйхатдан ўтказиш. Босим остида ишловчи идишларни техникавий синовдан ўтказиш. Автомобилларда ёқилги сифатида ишлатилгадиган қисилган газли балонларни техникавий синовдан ўтказиш. Буг ва сув иситиладиган қозонларни ишлатиш пайтидаги хавфсизлик талаблари. қозонларни, буг иситгичларни ва экономайзерларни «Давлатсаноатотомназорати» ташкилотлари рўйхатидан ўтказиш. қозонларини, буг иситгичларни ва экономайзерларни техникавий синаш. Текшириш-ўлчаш асбоблари. қозонхонага қўйиладиган талаблар. қозонхоналарни тузатишда хавфсизлик техникаси талаблари. Хаво сиқиш ускуналарини хавфсизлик қурилмалари: сақлагич, Хабар бериш ва блокировкалаш. Хаво сиқиш ускунасини даврий ва режали кўриқдан ўтказиш. Хаво ўтказгичга қўйиладиган талаблар. «Давлатсаноатотомназорати» назоратидаги жойларда назорат ва хавфсизлик ишларига босим остида ишловчи идишларга: қозонларга, бугиситгичларга, экономайзерларга ва Хаво иситгичларга хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш тартиби. Хизмат кўрсатувчи ходимларни ўқитиш ва билимларини даврий текшириш.

12-Мавзу. Электрхавфсизлиги

Электр токининг одам аъзоларига таъсири. ГОСТ 12.1. 038-82 «Электр хавфсизлиги. Тегиш кучланишлари ва тоқларни йўл қўйиладиган юқори даражалари». Электр ускуналари ва ишлаб чиқариш хоналарининг электр хавфсизлиги даражаси бўйича тоифалари. Электр токидан шикастланишдан химояланишнинг техник усуллари ва воситалари. Электр ускуналарини ишлатишда электр хавфсизлиги талаблари. Кучли электр симлари, ёритиш қурилмалари электро харакатга келтиргичларини, трансформатор ва АТКнинг бошқа электр хўжалиги ишларидаги электр хавфсизлиги талаблари. Электр асбоблар ва кўчма электр чирогидан фойдаланишдаги хавфсизлик талаблари. Статик электр тармогининг хавфли таъсиридан Химояланиш.

IV бўлим. Ёнгин хавфсизлиги

13-Мавзу. Транспорт корхоналарида ёнгин хавфсизлиги

Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат чора-тадбирлари Ёнгин назорати ташкилотларини вазифалари ва уларни ҳуқуқлари. Автотранспорт корхоналаридаги ёнгин сабаблари, қурилиш иншоотлари ва тузилмалари, уларни ёнгинга хавфли хусусиятлари. Ўтга чидамлик чегараси ва ўтти тарқалиш чегараси. Автотранспорт корхоналарини хоналарини портлаш, ва ёниш хавфи бўйича тоифаси.

14-Мавзу. Ёнгинни олдини олиш

Ёнгиннинг олдини олишни вазифалари ва умумий чоралар. Ёнгиндан сақланишни ташкил қилиш. Автотранспорт корхонаси ва уни алоҳида устахоналарини, бўлимларини ёнгин хавфсизлигига жавобгар шахслари ва уларнинг вазифалари. Ёнгинга қарши кўнгилли уюшмалар. Ёнгин – техникавий хайъати. Ёнгинга қарши йўл-йўриқ. Ёнгин техникаси бўйича энг зарур билим бериш юзасидан машгулотлар. Ёнгиндан Хабар бериш ва алоқа воситалари. Ёнгинларни ўчириш усуллари ва воситалари. Автотранспорт корхоналарининг ишлаб чиқариш хоналари учун бирламчи ўт ўчириш воситаларининг меъёри.

Амалий ишлар

Ишлаб чиқариш бўлинмасида ишлатиладиган осон аланга-ланувчан ёки ёнувчан суюқликни чакнаш харорати аниқлансин ва олинган натижалар асосида айни бўлинманинг хонасини портлаш, ёниш ёки ёнгин хавфи бўйича қайси турга кириши хақида хулоса қилинсин. Ўтти ўчиргичлар, қум ва сув билан ўчиришни усуллари машқ қилинсин.

V бўлим. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш

15-Мавзу. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш муаммолари

Атроф-мухитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан унумли фойдаланиш, умуминсоний муаммолар ичида энг долзарб муаммо-лардан биридир. Давлатни, атроф мухитни

муҳофаза қилиш юзасида гамхўрлигини Асосий қонун Конституцияда, ҳукумат қарорларида акс этиш.

16-Мавзу. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича

чора-тадбирлар

Автотранспорт корхоналарининг атмосферага зарарли моддаларни чиқаришини камайтириш. Атроф-мухитни автомобил-лар ишлаб чиқган газларни зарарли таркибларидан ифлосланишини камайтириш усуллари. Ишлаб чиқарилган газларни текшириш усуллари ва йўл қўйиладиган заҳарлилик меъёри. (ГОСТ 17.2.2. 03-87 “Табиат муҳофазаси. Атмосфера. Бензинли двигателлар ишлаб чиқарган газлардаги углерод оксиди ва углеводород меъёри ва уларни ўлчаш усуллари”), (ГОСТ 21 393-75 “Дизелли автомобиллар” ишлаб чиқарган газларни тутунлиги. Меъёрлари ва ўлчаш усуллари). Автотранспорт ва автотузатиш корхоналарининг оқова сувларини тозалаш усуллари ва сифатини текшириш. Автомобилларнинг ташқи шовқинини камайтириш.

Амалий ишлар

Ишлаб чиқарилган газлардаги углерод ва углеводородларни ва тутунлигини йўл қўйиладиган юқори миқдорлари билан таққослаш.

Намунавий мавзулар режаси

№	Бўлим ва мавзулар номи	Аудиториядаги ўқув юклармаси, соатларда					Мустақил иш
		Жами	Назарий машғулот	Амалий машғулот	Лаборатория ишлари	Семинарлар	
	Кириш	1	1				
I бўлим. Мехнат муҳофазасини умумий масалалари							
1.	Мехнат муҳофазаси бўйича асосий меъёрий Хужжатлар.	2	2				
2.	Мехнат муҳофазасини бошқариш.	3	3				
3.	Автомобил транспорти корхоналарида хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари. Зарарли моддалар	3	2	1			

	билан ишлашда хавфсизлик чоралари. Шахсий муҳофаза воситалари.							
4.	Автомобил транспорти корхоналарида ишлаб чиқариш шикастланиши ва касб касалликларини олдини олиш.	3	2	1				
II бўлим. Ишлаб чиқариш санитарияси меҳнат гигиенаси								
5.	Меҳнат муҳофазасини худудига, ишлаб чиқариш ва ёрдамчи биноларга талаби.	2	2					
6.	Меҳнатни санитар гигиеник шароитлари.	3	2	1				
III бўлим. Хавфсизлик техникаси								
7.	Харакат таркибини техник Холати ва жиҳозланишга умумий талаблар.	2	1	1				
8.	Хавфли юкларни ташишда пайтида хавфсизлик техникаси талаблари.	2	2					
9.	Юк ортиш ва туширишда хавфсизлик техникаси талаблари	2	2					
10.	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашда хавфсизлик техникаси қоидалари	3	2	1				
11.	Сиқилган газ ва Хавони қувватидан фойдаланишдаги хавфсизликни асосий шартлари	3	3					
12.	Электр хавфсизлиги	3	2	1				
IV бўлим. Ёнгин-хавфсизлиги								
13.	Транспорт корхоналарида ёнгин хавфсизлиги.	2	2					
14.	Ёнгинни олдини олиш.	2		2				
V бўлим. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш								
15.	Атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари.	2	2					
16.	Атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар.	2	2					
Жами		40	32	8				17

8. Олий таълим юртидаги “Меҳнат муҳофаза си” фанининг таркиби.

(Намунавий дастур)

I. Фаннинг таркиби

№	Мавзу номлари	Мақсади	Таянч иборалар	Ажрати лган
